



## ГЁТЕНИНГ «ФАРБУ ШАРҚ ДЕВОНИ»ТАХЛИЛИ

*Qo‘chqorova Shahodat Ro‘ziyevna*

*BSMI, O‘zbek tili va adabiyoti, rus va ingliz kafedrasi o‘qituvchisi, Buxoro shahar, Zafarobod 87*

*ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-8277-9973>*

*Elektron pochta: kuchqorova.shahodat@bsmi.uz*

**Аннотация:** Ушбу мақолада немис адиби Й.В. Гёте қаламига мансуб, икки маданият қонидан пайдо бўлган фарзанд – юксак бадиияти, теран фалсафий мушоҳадалар билан жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган «Фарбу Шарқ девони» таҳлили берилган. Уни иқтидорли шоир Садриддин Салим Бухорий чорак аср давомида бевосита маҳорат билан олмон тилидан таржима қилганлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** «Фарбу Шарқ девони», жаҳон адабиёти, икки маданият, икки адабий минтақа, чоп этилган, таржима

### **GOETHE’S ANALYSIS OF „WEST EAST DEVON”**

**Abstract:** This article is about the analysis of the work “Ost-West Devon” by Y.V.Goethe who was born with the assimilation of two cultures’ blood, besides whose literary and philosophical considerations occupy an honored place in the treasury of World literature. It is analyzed that, talented poet Sadriddin Salim Bukhariy translated it directly into Uzbek for a quarter of a century.

**Key words:** "Ost-West Devon", world literature, two cultures, two literary continents,published, translation

Ўзбекистон қадим-қадимдан буюк аллома ва шоири, ёзувчилар макони бўлган. Уларнинг ижодини ўрганиш бугунги кунда ёшлар тарбияси учун илфор, бунёдкорлик қирраларини кўрсата олиш миллий тарбиямизнинг асоси деб айтиш мумкин. Айниқса, Бухорий шариф азалдан илму-маърифат ўчоғи ҳисобланган. Бу заминдан Имом Бухорий, Ибн Сино, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов каби буюк алломалар етишиб чиққан.

Биз фикр юритмоқчи бўлган шоир ҳам файласуф Садриддин Салим Бухорий буюк аждодларимизнинг эзгу ишларини давом эттирган камтарин ва фидойи инсон эдилар.

Садриддин Салим Бухорий (Садриддин Салимов) 1946 йил 16 сентябрда Бухоро шахридаги Чўпбоз гузарида туғилган. Бухоро педагогика институтининг немис тили факультетини тамомлаган (1972). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси

Садриддин Салим Бухорийнинг бир неча шеърий китоблари, шунингдек, тарихий-маърифий мавзулар ҳамда тасаввуф авлиёлари тарихига доир ўтиздан зиёд асарлар нашр қилинганлигини кўришимиз мумкин. Оққушим», «Эрка қушим» (1979), «Ёруғлик одами» (1983), «Рўмолча» (1988), «Бухорога Бухоро келди» (1999), «Дурдоналар» (2005) каби шеърий тўпламлари нашр этилган. Бир нечта тарихий-маърифий китоблар ҳам ёзган («Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир», 1993; «Уч авлиё», 2000; «Ҳазрат Абу Кафс Кабир», 2006; «Икки юз етмиш етти пир», 2006; «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд», 2006; «Ҳазрат Каъбул Ахбор Валий», 2007 ва бошқа). У беш қисмдан иборат “И мом ал-Бухорий” видеофильм, “Абу Ҳафс Кабир”, “Хожай Жаҳон” телефильмлари сценарийси муаллифи. И.В. Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»ни ўзбек тилига таржима қилган. «Меҳнат шуҳрати» ордени (1999) ва «Фидокорона хизматлари учун» (2005) ордени билан мукофотланган.

Машхур немис адиби Йоҳанг Вольфганг Гёте (1749 –1832) шоир, драматург ва адабиётшунос, хуқуқшунос ва шарқшунос, тарихчи ва файласуф, рассом ва театршунос, биология ва минералогия фанлари бўйича кашфиётлар қилган олим ва давлат арбоби бўлиб, «Фауст», «Ёш Вертернинг изтироблари», «Ғарбу Шарқ девони», «Таврида ифигенияси», «Рим элегиялари», «Торквато Тассо», «Наботот эврилиши», «Сухрли сибизға», «Ранг ҳақида маълумот» каби асарлар, шунингдек, 3 мингдан зиёд шеърлар муаллифидир. Маълумотларга қараганда, унинг Веймарда чоп этилган бадиий ва илмий мероси бўлмиш асарлар тўплами 143 жилдан иборат.

Бу асарлар орасида Гёте 1814 – 1815 йилларда ёзишни бошлаган ва илк бор 1819 йилда, 70 ёшида нашр эттирган «Ғарбу Шарқ девони», ҳеч шубҳасиз, алоҳида ўрин тутади. Ўша даврда ғарбдаги ижтимоий-давлат тузуми янгидан-янги мураккабликларни келтириб чиқараётган, таназзулга юз тутаётган бир шароитда, ўзи нафас олаётган мухитда маънавий тиргак бўлгулик бирон нарса тополмаган Гёте хаёлан Шарққа «хижрат» қиласи, Шарққа «қочиб кетади», яъни Шарқ шеъриятидан илҳом олади ва «Ғарбу Шарқ девони»ни ёзиш билан машғул бўлади. Бу асар ҳам шаклан, ҳам мазмунан Ғарб ва Шарқ адабий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, бошқача айтганда, унда икки маданият ва икки адабий минтақа ўзаро синтезлашгандир.

Шарқу Ғарб руҳи мужассамланган Гётенинг «Девон»и икки маданият қонидан пайдо бўлган фарзанддир. Буюк Гёте қадимги Юнонистон, Румо илму фани билан бирга, Шарқ маданияти ва адабиёти ютуқларини ҳам ташналиқ билан ўзлаштирган ҳамда асарларига шарона руҳ ва шеърият анъаналарини сингдириб юборган, деб ёзади профессор Нажмиддин Комилов. Гёте наздида Шарқ адабиёти ва шеърияти, Фирдавсий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий ижоди – «Хизр чашмаси». У ҳамиша мусаффо ва равон, ундан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу руҳ ва ижод манбаи, севги ва қўшиқ салтанатидир<sup>339</sup>.

<sup>339</sup> Комилов Н. Тафаккур карвонлари / Масъул мухаррир: Р.Қўчкор. —Т.: «Маънавият», 1999. Б.14

Гёте гарчанд олис Германияда яшаб-ижод этган бўлса ҳам руҳан бизнинг шоир, яъни Шарқ шоиридир. Унинг асарларидағи маъно ва мазмун, хис-туйғу миллатимизга хослиги билан ажралиб туради. Умуман ўзи Гёте Шарққа чинакам ихлос қўйган шоир бўлган. Гётенинг руҳиятида Шарқ олами бор. Унинг баъзи сатрларини ўқиганда, мусулмон оламига, Шарқ дунёсига катта меҳри борлигини, ана шу оламни билишга кучли интилиш мавжудлигини кўриш мумкин. Гётенинг таъбирича, жаҳон шеъриятида етти юлдуз деб унинг ўзи эътироф этган даҳоларнинг ҳаммаси Шарқ шоирлариридир. Шарқ қаламидаги ана шу еттига юлдуз қаторида Саъдий, Ҳофиз ва Навоийни санар экан, Гёте: «мен уларнинг соясига ҳам арзимайман», деган.

Гётенинг дунёкараши Ғарб адабиёти ва маданияти ёки насроний дини билан чегараланиб қолмаган. У жуда кенг миқёсда фикр юритган. Гёте Шарқ оламининг тафаккурини, маънавий дунёсини, инсонийлигини ўзига ниҳоятда чуқур сингдирган ва Шарққа жуда катта меҳр, муҳаббат, керак бўлса, ҳурмат-эҳтиром билан ёндашган Шахс ва буюк мутафаккирдир.

Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» «Хижрат» шеъри билан бошланади:

Тахтлар қулаб, не таажжуб,  
Хароб Шимол, Мағриб, Жануб  
Шарққа хижрат эрур вожиб,  
Унда ишқу маю мутриб  
Ҳамда Хизр суви бордир,  
Боқий умр сенга ёрдир.

Бу шеърда Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг душманларидан қочиб, 622 йилда Маккадан Мадинага хижрат этишига ишорат қилинган-у, аслида бу сатрлар рамзий маънога эга бўлиб, шоирнинг Шарққа хаёлан «кўчиши», «хижрат қилиши »ни билдиради. Бу шеър билан барча умидлари поймол бўлган буюк Гёте Ғарбу Жануб ва Шимолдан Шарқ шеърияти оламига «қочиб кетиш»дан мақсади яшариш, янгидан сермаҳсул ҳаётни бошлаш эканини уқтиради ва бошқаларни ҳам ортидан эргашишга чақиради.

Адабиётшунос олим ва мутахассисларнинг «Ғарбу Шарқ девони» Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар, Шақ шеъриятининг асоси бўлган тасаввуф таълимоти таъсири ҳамда

Фирдавсий, Анварий, Низомий, Румий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий ва Жомий ғазаллари талқинида яратилгани ҳақидаги фикри мутлақо асослидир. Гёте Ҳофиз шеъриятига шу қадар берилганки, гуе Ҳофиз унга барча жумбоқларнинг калити бўлиб туюлади. Ҳикматнома»даги ушбу сатрлар бунга яққол исбот бўла олади:

Ким Ҳофизни билмасу севмас  
Тушунмайди Калдеронни ҳам.

Маълумки, Гёте Шарқ тиллари ва тарихи, адабиёти ва диний-фалсафий қарашлари, удумлари ва урф-одатлари билан жуда ёшлигидан қизиқкан. Ғарб

гётешуносларининг фикрича, даҳо аллома Қуръон ва ҳадислар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг таржимаи ҳоллари, шунингдек, буюк Шарқ алломалари ижодини асосан инглиз, француз тилларида таржималарда ёки шу тиллар орқали қилинган немисча таржималарда ўқиган ва улар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Шу маънода, Гётенинг «Девон»ини Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи адабий қўприк ёки шарқшуносликка кириш, деб баҳолаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Жаҳон адабиётининг қўплаб дурдоналари қаторида Гётенинг қаламига мансуб асарлар аллақачон жаҳон тилларига қайта-қайта таржима қилиниб, башариятнинг юксак маънавий хазинасига айланиб улгурган. Бу ижодий жараёндан, албатта, ўзбек адабиёти ҳам четда тургани йўқ. Жаҳон адабиётининг сара асарлари – Фирдавсийнинг «Шоҳномаси»си, Дантелинг «Илоҳий комедия»си, Гётенинг «Фауст»и, Жованни Боккаччонинг «Декамерон»и, Бальзак асарлари, Шекспир драмалари она тилимизга таржима этилиши оламшумул аҳамият касб этди ва ўзбек маданиятига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Халқимиз маънавиймулкига айланган бу буюк асарлар бизни жаҳон маънавиятига яқинлаштиради.

Хусусан, «Фауст» Ўзбекистон Қаҳромони ва халқ шоири Эркин Воҳидов томонидан рус тилидан<sup>340</sup>, шунингдек, таржимон ва олим Пошо Али Усмон томонидан немисчадан ўзбек тилига ўгирилган<sup>341</sup>.

«Ёш Вертернинг изтироблари» романи эса, немис тилидан мутаржим Янглиш Эгамова таржимасида ўзбек китобхонларига тақдим этилган.

Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Муҳаммад Али, Насриддин Муҳаммадиевлар Гётенинг айрим шеърларини ўзбек тилига таржима қилганлар<sup>342</sup>. Таниқли шоир Садриддин Салим Бухорий Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»ни немис тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, шу асар матни ва унга оид илмий тақиқотларини ягона китоб холида китобхонларга тухфа этган.

Айтиш жоизки, Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»нинг нафакат номи, балки мундарижасидан ҳам Шарқ нафаси уфуриб турганини асар «Муғаннийнома», «Ҳофизнома», «Ишқнома», «Тафриқнома», «Ранжнома», «Ҳикматнома», «Темурнома», «Зулайхонома», «Сокийнома», «Масалнома», «Форсийнома», «Хулднома» деб аталувчи ўн икки китоб(боб)дан иборат эканлигидан ҳам қўришимиз мумкин.

<sup>340</sup> Гёте. Фауст. Трагедия. Эркин Воҳидов таржимаси. Қисм 1. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 268 бет; Гёте. Фауст. Трагедия. 2 Қисмли. Э. Воҳидов таржимаси. Сўз охири И.Фафуровники. Қисм 2. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 348 бет; Гёте. Фауст / Таржима ва кириш сўзи Э. Воҳидов . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 376 бет.

<sup>341</sup> Гёте, Йоҳан Вольфганг. Фауст: Трагедия. Биринчи қисм // Олмончадан Пошо Али Усмон таржимаси – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 220 бет.

<sup>342</sup> Иоганн В.Гёте. Ҳижрат-қўчиш («Ғарбу Шарқ девони»дан) // Мақсуд Шайхзода. Чорак аср девони. Танланган асарлар. – Т.: Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1958. Б. 426-427; Гёте. Умид// Шукрулло. Танланган асарлар. – Тошкент, 1958, Б. 111; Гёте, Сайехнинг тунги қўшиғи// Муҳаммад Али. Фазодаги ҳислар. Тошкент, 1967; Гёте, Тўрт ажаб совға («Ғарбу Шарқ девони»дан Н. Муҳаммадиев таржимаси)// Ёш ленинчи, 1968, 5 октябрь.

Садриддин Салим Бухорий бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратган. Шунинг баробарида, у китобга тартиб беришда ҳам Гёте нуқтаи назаридан ёндашган. Яъни, нашрнинг биринчи қисми «Фарбу Шарқ девони»нинг назмий шеърларидан ташкил топган бўлса, иккинчи қисмида эса бадиий-фалсафий шарҳларга кенг ўрин берилган.

Шу ўринда Гёте «Девон»идаги юқорида санаб ўтилган назм бобларида мавжуд шеърларнинг ушбу китобга тўлиқ киритилмаганини эслатиш жоиз. Таржимон бу ҳақда тўхталар экан, камтарлик билан: «айрим таржималарим ўзимга маъкул бўлмагани учун, уларни китобга киритмадим», деб қайд этади. Китобга тартиб беришда айнан тасаввуфий руҳ ва оҳангга эга шеърлар саралаб олинганига эътибор қаратадиган бўлсак, фикримизча, бу ҳол Гёте «Девон»ининг мазмун-моҳиятига мутлақо зиён етказмаган. Аксинча, бунда даҳо шоир ўз умрининг нуронийлик даврида нима сабабдан маънан «Шарққа ҳижрат қилиш» учун чоғланганини сўфиёна шеърлар мисолида янада аниқ ва равшан акс эттириш имкони кучайган.

Китобнинг шарҳлар қисмининг ўзини иккига бўлиш мумкин. Биринчи бўлимда Гётенинг «Фарбу Шарқ девони»даги «Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам» мақоласининг таржимаси, «Фарбнинг Шарққа ҳижрат» номли кейинги бўлимда таржимон қаламига мансуб «Гёте Шарқда», «Ғазалнавис немис шоирлари», «Гёте ва Ҳофиз», «Гёте ва тасаввуф» мақолалари ўз мужассамини топган.

«Фарбу Шарқ девони»га хос нозик ва мураккаб хусусиятлар таржимондан катта тажриба, билим ва кўникмага эга бўлишни талаб этишини алоҳида таъкидлар эканмиз, ушбу асар таржимасининг қўллёзмаси билан танишиш асносида, шоир-таржимон Садриддин Салим Бухорий ана шундай масъулиятли илмий-ижодий ишни онгли равища ўз зиммасига олган ва уни муваффақиятли адo этган, деган фикрга келдик.

Шунингдек, таржимон эришган бу ютуқнинг муайян омиллари бор, албатта. Аввалинбор, Гёте ҳам, унинг ўзбек таржимони ҳам шоир<sup>343</sup>, уларнинг орасида руҳий-маънавий яқинлик мавжуд. Маълумки, Гёте Ҳофиз девонини Фон Хаммер таржимасида мутолаа этиб, азбаройи таъсирланганидан ўзини Шероз булбулининг муриди, деб эълон қилган. У Ҳофиз орқали бутун Шарққа бир умр муҳаббат боғлаб «Фарбу Шарқ девони»ни битган.

Шундай қилиб, Марианна Виллемер «Фарбу Шарқ девони»да ижодга илҳомлантирувчи тимсол ва Гётега ҳаммуаллиф сифатида беҳад катта роль ўйнаган. Табиатан ҳиссиётли қалб эгаси, зукко инсон бўлган Гётега ҳамма ҳам бирдек ёқавермаган. У ҳаётда кимларни ёқтириб, севиб қолган ёки дўстлашган бўлса, демак ўшалар Гёте дидига мос келган. Шунингдек, Марианна ҳам шоиртабиат бўлган, Гёте унда нафосатли, куюнчак, теран хис-туйғули, қисқаси, ўз ижодий хаёлотидаги зотни кўра

<sup>343</sup> Садриддин Салим Бухорийнинг қўйидаги шеърий китоблари бор: Салимов Садриддин. Оқ қалдирғоч. Эртак.- Т.: «Ёш гвардия», 1977, 16 бет; Салимов Садриддин. Эрка қушим. Шеърлар/ Сўз боши Т.Тўла. – Т.: «Ёш гвардия», 1979, 32 бет; Салимов Садриддин. Ёруғлик одами: Шеърлар. – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1983, 80 бет; Салимов Садриддин. Рўмолча: Шеърлар. – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1988, 136 бет; Садриддин Салим Бухорий. «Бухорога Бухоро келди»: Шеърлар. – Т.: «Маънавият», 1999, 104 бет.

билди. Марианна Ҳофиз ғазалиётига хос оҳангларни худди Гёtedек ҳис этиб, унга тенг келадиган шеърий жавоблар қайтара олади.

Маълумки, чорак аср давомида ушбу асарнинг айрим боблари Садриддин Салим Бухорийнинг бевосита немис тилидан қилган таржимасида турли газета ва журнallарда эълон қилинган ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган эди<sup>344</sup>. Файбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Янглиш Эгамова, Салим Жабборов, Камола Бобожонова каби машҳур адабиётшунос ва таржимашунос олимлар ўзларининг илмий асар ва мақолаларида таржимон маҳоратини юқори баҳолагани шулар жумласидандир<sup>345</sup>.

Таржимон муваффақиятининг навбатдаги омили Садриддин Салим Бухорий немис тили ва адабиёти билимдони сифатида гётеёна фалсафийликни, донишмандликни, шарқона руҳини тўғри англай олганидадир, десақ, хато бўлмайди. Унинг «Ғарбу Шарқ девони» таржимасига қўл уришдан олдин – нафақат таржимон, балки гёteshunuos олим сифатида — ушбу асарга оид немис тилидаги илмий-адабий ва тарихий маълумотлар билан чуқур танишгани, бу мавзуда бир қатор илмий мақолалар ёзиб, матбуотда эълон қилгани бизнинг юқоридаги хulosага келишимизга асос бўлди.

Садриддин Салим Бухорий ижодида образ ва ташбеҳларнинг турли-туманлиги, фалсафий мушоҳаданинг кенглиги, Шарқ шоирлари, айниқса, Ҳофиз ижоди билан ошнолик, унинг шеъриятини форсийдан ўқиб-тушуниб- англаб олиш салоҳияти таржимонга Гёtenинг «Ғарбу Шарқ девони»ни маромига етказиб ўзбекчалаштириш учун жуда қўл келган, назаримизда. Зотан, Баҳоудин Нақшбанд, Абулхолик Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгари, Али Ромитаний каби азиз-авлиёларнинг форсий тилдаги назмий мероси айнан Садриддин Салим Бухорийнинг жозибадор қалами шарофати билан ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланганини яхши биламиз<sup>346</sup>.

<sup>344</sup> 10 Қаранг: И.В.Гёте. Ижозат («Ғарбу Шарқ девони»дан) // Садриддин Салимов. Ёруғлик одами. Шеърлар. – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти: 1983. Б.72- 73; И.В.Гёте: Зулайҳога. Мағрибу машриқ»девонидан//Садриддин Салимов. Рўмолча: Шеърлар. – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти»; 1988. Б 89-95.«Мағрибу Машриқ девони»дан. Немисчадан С.Салимов таржималари//Шарқ юлдзузи, 1985, №1, Б. 120-123; Салимов С. Иоганн Вольфганг Гёте. Мағриблик Ҳотаму Зулайҳо//Шеърият – 86: Мажмуя. –Faafur Ғулом нашриёти, 1988. Б. 204-211; Садриддин Салим Бухорий. Бухорога Бухоро келди: Шеърлар. – Тошкент: «Маънавият », 1999. Б.87-95; Салимов С. Ҳофиз Шерозийга пайров// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 5 январь; Гёте. Ғарбу Шарқ девони/ Олмончадан Садриддин Салимов таржимаси//Жаҳон адабиёти, 1998, № 7, Б. 86-87; 1998, №8, Б.42-43.

<sup>345</sup> Қаранг: Саломов F., Сулаймонов М. Ҳофиз ва Гёте//Гулистон, 1974, №7, Б.23; Комилов Н. Тафаккур карвонлари// Махсус мухарир: Р.Кўчкор. – Т.: «Маънавият », 1999. Б. 13-14; Эгамова Я. Гёtenинг «Ғарбу Шарқ девони» ва унинг ўзбекча таржимаси хусусида // Гулистон давлат университети Ахборотномаси, 2002, №1, Б. 58-63; Жабборов С. Шеърий таржиманинг айрим муаммолари (И.В- Гёtenинг «Ғарбу Шарқ девони» таржималари асосида)// Поэтика ва лингвостилистика муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари (И.В.Гёtenинг 250 йиллик юбилейига бағишлиниади). Самарқанд, 2002. Б.84; Жабборов С. Гёте ижодида тасаввуфона шеърлар ва уларнинг ўзбек тилида қайта яратилиши // Вопросы зарубежной филологии. Сборник научных трудов. Самарқанд, 1995. С.40- 43; Жабборов С.Ш. Гёtenинг «Ғарбу Шарқ девони». Матн. Талқин. Таржима. Филология фанлари номзоди... автореферати. Тошкент, 1995, 24 бет; Бобожонова. К.

Гёте ва Шарқ // Жаҳон адабиёти, 2007, № 4, Б.172-179.

<sup>346</sup> 12 Қаранг: Бухорий С.С. Дилда ёр: (Ҳазрат Баҳоудин Накшбанд): Бадиа. –Т.: Faafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, 80 бет; Бухорий Садриддин Салим. Табаррук зиёратгоҳлар. – Т.: «Ёзувчи», 1993, 48 бет; Садриддин Салим Бухорий. Буюк хоразмийлар/Масъул мухарир Т. Жўра. – Т.: «Ёзувчи», 1994, 16 бет; Садриддин Салим Бухорий. Баҳоудин Накшбанд ёки етти пир. Бухорийлар авлоди. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2003. 24 бет; Садриддин Салим Бухорий. Бухорий шариф авлиёлари. – Бухоро: «Бухоро» нашри

Кези келгандаги Шарқ маданиятида, майший турмушидаги тасаввуфнинг ўрни ва роли бекиёс эканини таъкидлаш жоиз. Уни билмасдан туриб, мусулмон Шарқини тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам, бўлмайди. Профессор Бегали Қосимов таъбири билан айтганда, «тасаввуф мусулмон Шарқининг инсоният келажаги, фозил, оқил, ҳамидахулқ кишилардан таркиб топган юксак жамият ҳақидиги фалсафий-ахлоқий назариялар, илмий-амалий дастурлар мажмуудир»

Тасаввуф, биринчи навбатда, жамият тарбияси ҳақидаги илмдир. Тенглика, хурфиксикликка

адолатга таянган билимдир. У ислом бағрида вояга етди. Лекин, айни пайтда, ислом фалсафаси ва ахлоқига янги маъно, янги мазмун бахш этди. Уни демократлаштириди.

Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»нинг барча қисмларини бирлаштириб турувчи нарса, бу – Шарқ шеъриятига асос бўлган тасаввуфий қарашлардир. «Девон»нинг барча шеърларига «Ҳалок бўл ва қайта тирил», деган тасаввуфий ғоя теран сингдирилган. Масалан, «Муғанийнома» боби якунидаги «Саодатбахш азият» («Selige Sehnsucht») шеърида Гёте одатдаги ҳаёт чегарасидан чиқиб, руҳан қайта янгиланиш учун инсон Оллоҳ висолига интилиши керак, деган ғояни илгари суради. Бундай сўфиёна ёндашув таржимон учун айни муддаоқи, зотан унинг учун бу йўналиш энг мақбул ва марғубдир.

Мухтасар айтганда, Гёте даҳоси, унинг «Ғарбу Шарқ девони» таржимондан ниманини талаб қилса, унинг таржимони Садриддин Салим Бухорийда бу жиҳатларнинг барчаси мавжуд бўлгани ушбу асар таржимаси муваффақиятли чиқишини, таъбир жоиз бўса, ҳам буюк немис шоирининг, ҳам моҳир ўзбек шоир-таржимонининг ноёб иқтидори ярқ этиб намоён бўлишини таъминлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» мақоласида ўзбек адабиётининг бугунги куни ва эртанги истиқболи ҳақида сўз борар экан, жумладан, дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алқаларни янада ривожлантириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Юртбошимиз қайд этганидек, «Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интила ётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак»<sup>347</sup>.

ёти, 2006. 32 бет; Садриддин Салим Бухорий, Ҳалим Тўраев. Чор Бакр ёки Жўйбор авлиёлари (тариҳий маълумотнинг иккинчи нашри). Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. 20 бет; Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. Буюк Фиждувонийлар (авлиё ва алломалар). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2006. 120 бет; С.С.Бухорий. Ҳазрат Баҳоудин Нақшбанд (Дилда ёр). Тариҳий-маърифий китоб. – Тошкент: «ўйитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, «Бухоро» нашри ти, 2007. 120 бет; Садриддин Салим Бухорий. Даҳмаи Бухиштиен. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2007. 52 бет; Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. азрат мавлоно Ориф Деггароний (илмий-маърифий нашр). Тглдирилган іайта нашри. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2008. 64 бет; Садриддин Салим Бухорий. Ааюоаеи Наішбанд ёки етти пир. Тглдирилган қайта нашр. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2009. 24 бет.

<sup>347</sup> Каримов И.А. Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009. 3 июль.

Шу маънода, Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» асарининг ўзбек тилидаги таржимаси ва унга оид илмий-адабий шарҳлар мужассам этилган ушбу китоб бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳа ҳам халқаро ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, Ғарб ва Шарқ ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро адабий таъсир муаммоларини ўрганиш йўлида муҳим қадам бўлишига ишонамиз.

Ушбу таржима орқали ўзбек китобхонлари Гётенинг шундай ажойиб асаридан баҳраманд бўлиш билан бирга Садриддин Салим Бухорий маънавиятидан ҳам баҳра олиб биладилар деган умиддамиз. Зеро буюкларини қадрлаган юрт албатта буюкликка эришади.

### **ADABIYOTLAR RO‘YXATI:**

1. Комилов Н. Тафаккур карвонлари / Масъул муҳаррир: Р.Қўчқор. —Т.: «Маънавият», 1999. Б.14
2. Гёте. Фауст. Трагедия. Эркин Воҳидов таржимаси. Қисм 1. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 268 бет; Гёте. Фауст. Трагедия. 2 Қисмли. Э. Воҳидов таржимаси. Сўз охири И.Гафуровники. Қисм 2. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 348 бет; Гёте. Фауст / Таржима ва кириш сўзи Э. Воҳидов . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 376 бет.
3. Гёте, Йоҳан Вольфганг. Фауст: Трагедия. Биринчи қисм // Олмончадан Пошо Али Усмон таржимаси – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 220 бет.
4. Иоганн В.Гёте. Ҳижрат-қўчиш («Ғарбу Шарқ девони»дан) // Мақсад Шайхзода. Чорак аср девони. Танланган асарлар. – Т.: Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1958. Б. 426-427; Гёте. Умид// Шукрулло. Танланган асарлар. – Тошкент, 1958, Б. 111; Гёте, Сайехнинг тунги қўшиғи// Муҳаммад Али. Фазодаги ҳислар. Тошкент, 1967; Гёте, Тўрт ажиб совға («Ғарбу Шарқ девони»дан Н. Муҳаммадиев таржимаси)// Ёш ленинчи, 1968, 5 октябрь.
5. Садриддин Салим Бухорийнинг қуидаги шеърий китоблари бор: Салимов Садриддин. Оқ қалдирғоч. Эртак.- Т.: «Ёш гвардия», 1977, 16 бет; Салимов Садриддин. Эрка қушим. Шеърлар/ Сўз боши Т.Тўла. – Т.: «Ёш гвардия», 1979, 32 бет; Салимов Садриддин. Ёруғлик одами: Шеърлар. – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1983, 80 бет; Салимов Садриддин. Рўмолча: Шеърлар. – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1988, 136 бет; Садриддин Салим Бухорий. «Бухорога Бухоро келди»: Шеърлар. – Т.: «Маънавият», 1999, 104 бет.